

ШАРТНОМА № 12

Наманган ш.

«18» январь 2022 йил

Амалдаги Низом асосида фаолият юритувчи, кейинчалик «Етказиб берувчи» деб номланувчи «**OBOD FARM SERVIS**» МЧЖ номидан иш кўрувчи **Боймирзаев Собир Садыкович**, бир томондан ва амалдаги Устав асосида иш юритувчи кейинчалик «Харидор» деб номланувчи **Мингбулок туман тиббиёт бирлашмаси** номидан Бюджет ташкилоти раҳбари **Шухратжон Ахмедов** иккинчи томонидан мазкур шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар:

I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1. «Етказиб берувчи» мазкур шартнома бўйича «Харидор»га ўзаро келишилган миқдорда ва муддатларида шартноманинг умумий қийматидан ошмаган холда **Доридармонни** етказиб бериш. Етказиб бериладиган товарларнинг шартнома тузиш вақтидаги миқдори нархи ва етказиб бериш келишилган холда амалга оширилади.

II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

- 2.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 5 134 000 (**Беш миллион бир юз ўттиз тўрт минг сум минг**) сўми ташкил этади.
- 2.2. «Харидор» олинадиган товарлар учун амалдаги қонунчиликда кўрсатиладиган яъни 30 фоиз аванс тўловини олдиндан «Етказиб берувчи» рақамига ўтказиб беради.
- 2.3. «Етказиб берувчи» тегишли даврида томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ белгиланган миқдорида ва аванс тўловидан сўнг 15 кун муддат ичида товарларни «Харидор»га етказиб беради.
- 2.4. «Харидор» тақдим этилган ҳужжатларга асосан 90 кундан ортиқ бўлмаган муддатларида олинган дори воситалари учун узил-кесил ҳисоб-китоб қилади.
- 2.5. Етказиб берилган товарлар учун пул ўтказиш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилади.

III. ТОМОНЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

- 3.1. «Харидор»нинг ҳуқуқи ва мажбуриятлари
«Етказиб берувчи»дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш.
«Етказиб берувчи»дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртманомага мувофиқ тегишли сифат ассортиментдаги товарларни етказиб берилишини талаб қилиш.
Етказиб берадиган товарлар қийматини ҳаққонийлиги «Харидор» зиммасида бўлади.
- 3.1. «Етказиб берувчи» қўйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга.
Етказиб берилган товарлар учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб-китоб қилинишини Харидордан талаб қилиш.
Товарларни мазкур шартномага асосан «Харидор» буюртманомасига мувофиқ муддатлар сифат ва миқдорда етказиб бериш. Олинган товарлар нархига бюджет ташкилоти жавоб беради

IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. “Харидор” илгари берилган буюртмани бекор қилишга ёхуд товарларнинг тегишли туркумларини етказиб бериш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда “Етказиб берувчи”ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 3 кун олдин хабардор қилади.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Товарларни етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда “Етказиб берувчи” “Харидорга” кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0.5% миқдориди пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.2. Етказиб берилган товар учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда “Харидор” “Етказиб берувчи”га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0.5% миқдориди пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50%дан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.3. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва товар етказиб бериш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ етказиб берилмаслиги туфайли етказилган зарарлар копланишидан озод этилмайди.

VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал қилиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этишда бир қарорга келишолмасалар шундан сунг суд органларига мурожаат қилишга ҳақлидир.

6.3. Томонлар форс-мажор ҳолати, яъни томонларга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар (ёнғин, сув тошқини шу каби енгиб бўлмайдиган кучлар) юз берган тақдирда мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун жавобгарликдан озод этилади.

VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1. Мазкур шартнома “Харидор” ва “Етказиб берувчи” томонидан тасдиқланиб сўнг ғазначилик бўлинмаларидан рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

7.2. Томонлар ўртасида муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

8.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибда бекор қилиниши мумкин.

8.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қушимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарт билан ҳақиқий ҳисобланади.

8.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади. Шартноманинг иккала нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

IX. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ.

«Етказиб берувчи»

“OBOD FARM SERVIS” МЧЖ

Адрес: Наманган шаҳар, 5-а к.туман,

Хогира кўчаси, 7-А уй

Х/Р: 20208000300460376001

“Траст банк” ХОАБ Наманган ф-ли

МФО: 01060

ИНН: 303117293 ОКЭД 46460

Тел: (91) 368 02 46, 232 00 44

Эл.почта: obod.farm@mail.ru



М.У. Боймирзаев
Собир
(Имзо)

«Харидор»

Мингбулок ТТБ

(Бюджетдан маблағ

олувчининг номи)

Манзил: Мингбулок туман

Э.Урмонов кучаси 24-уй Тел:/факс:

Ш/Х: 10002286014204707310205400

ИНН: 200073316 ОКЭД
92511

Ўзбекистон республикаси молия
вазирлиги газначилик булимий:

Газна Х/Р: 234020000300100001010

Банк: Тошкент шаҳар марказий банк

МФО: 00014

Газна Булимаси ИНН: 201122919



Рахбар Шухратжон
Ахмедов
(Имзо)

Ушбу шартнома лойихаси Ўз.Р. “Хужалик юритувчи субъектлари фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида”ги қонунининг 10,24-34 моддалари ва Ўз.Р.” Фуқаролик кодекси”нинг 386-424 моддалари талабларига жавоб беради.

Юристоконсулт Ж.С. Ганиев



YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

№ SE78618667

1. Loyihaning turi. Shartnoma.

2. Loyihaning nomi. Dori-darmon etkazib berish to'g'risida (OBOD FARM SERVIS)
МЧЖ

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot.

Buyruq loyihasi Mingbuloq tuman tibbiyot birlashmasi tomonidan ishlab
chiqilgan va markazga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 2022-yil 14-yanvarda
kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul
qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti



A.Irgashev

17.01.2022 y.